

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

183 Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2575*

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Тошкент ш.,
2014 йил 24 март,
6-сон

Қ. БЕРДИЕВ

Фавқулодда вазиятлар вазири

Тошкент ш.,
2014 йил 24 март,
4-сон

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар
вазирлигининг 2014 йил 24 мартдаги
6 ва 4-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан
ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Чақирилувчиларнинг ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарлиги Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг (бундан буён матнда «Ватанпарвар» ташкилоти деб юритилади) ўқув муассасаларида амалга оширилади.

2. Чақирилувчиларни «Ватанпарвар» ташкилотида ўқитиш қуйидагиларни қамраб олади:

чақирилувчиларни миллий истиқлол ғояси ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

чақирилувчиларга ҳарбий бурчни виждонан бажариш ва ҳарбий интизомни ўргатиш;

чақирилувчиларга ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни ишлатиш ҳамда уларни созлаш ва техник хизмат кўрсатишни ўргатиш;

чақирилувчиларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича эгаллаган билим ва кўникмаларини янада такомиллаштириш.

3. «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка ўн етти ёшга тўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли ҳамда тайёргарлик тугаганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган чақирилувчилар жалб этилади.

4. Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларнинг сони, шунингдек уларнинг тайёргарлик дастурлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда тасдиқланади.

5. Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтишга жалб этилган чақирилувчиларнинг машғулотларда иштирок этиши мажбурийдир.

2-боб. Чақирилувчиларни «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларига тайёрлаш учун юбориш

6. «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш режаси ҳар йили 10 декабргача Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири томонидан тасдиқланади.

7. Чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади:

1-босқич — ҳар йили 15 мартдан 30 июлгача;

2-босқич — ҳар йили 2 сентябрдан 15 январгача ташкил этилади.

8. Чақирилувчилар 1-босқичда тайёрлаш учун ҳар йили январь-февраль ойларида, 2-босқичда тайёрлаш учун ҳар йили июль-август ойларида туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими (бундан буён матнда МИБ деб юритилади) бошлиғи буйруғига асосан тузиладиган комиссия томонидан саралаб олинади. Бунда МИБ чақирув бўлими бошлиғи комиссия раиси, МИБ чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи ва «Ватанпарвар» ташкилотининг тегишли ўқув муассасаси бошлиғи комиссия аъзолари ҳисобланади.

9. Қуйидагилар комиссиянинг вазифалари ҳисобланади:

чақирув ёшидаги фуқароларга ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида тайёрлаш тартиби, ҳарбий хизматнинг нуфузи, муддатли ҳарбий хизматчилар учун яратилган имтиёз ва шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот бериш;

жисмонан соғлом, маънавий-ахлоқий ва ақлий жиҳатдан етук бўлган чақирилувчиларни суҳбат ўтказиш йўли билан саралаб олиш ҳамда уларни «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида тайёрлаш учун тавсия этиш.

10. Комиссия томонидан «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида тайёрлаш учун тавсия этилган чақирилувчилар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ тиббий текширувдан ўтказилади.

11. Чақирилувчилар тиббий текширув натижаларига кўра ҳарбий хизматга яроқли деб топилганда, улар МИБ бошлиғининг буйруғига мувофиқ «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда 3 та асл нусхада тузиладиган рўйхатга асосан юборилади.

Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув

муассасасида, иккинчи нусхаси тегишли мудофаа ишлари бошқармасида, учинчи нусхаси МИБда сақланади.

12. Машғулотлар бошланишидан 5 кун олдин МИБ томонидан чақирилувчиларга мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда чақирув қоғози юборилади.

13. Машғулотлар бошланишидан 3 кун олдин чақирилувчилар ва уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилди МИБ томонидан «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасасига топширилади.

14. Чақирилувчининг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдида қуйидагилар бўлиши лозим:

чақирилувчининг паспорти нусхаси;

чақирилувчининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

чақирилувчининг таржимаи ҳоли;

тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тавсифномаси;

тиббий комиссия хулосаси қайд этилган тиббий варақа нусхаси;

олти дона 3 x 4 см ўлчамдаги фотосурат.

15. «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаси томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилган рўйхатга асосан чақирилувчиларни ўқув муассасасига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Мазкур буйруқда ҳарбий техника мутахассислиги тури, гуруҳ рақами, чақирилувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, тайёргарликнинг бошланиш ва тугалланиш санаси, масъул ўқитувчилар (таълим усталари), гуруҳ ва секция командирлари кўрсатилиши шарт.

16. Чақирилувчиларни автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчилигига тайёрлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга руҳсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Чақирилувчиларни тайёрлаш ишини ташкил этиш

17. «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳудудий кенгашлари:

ҳар йили 1 мартгача жорий ўқув йили учун чақирилувчиларни тайёрлаш ҳамда таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ишларини ташкиллаштиради;

ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни ишлатиш ва уларнинг тузилиши ўргатиладиган, лаборатория-амалий машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган ўқув синфлари, автодром, полигон ва бошқа ўқув объектларини тайёрладиган мутахассисликларга мос равишда жиҳозлашни ташкил этади;

кўргазмаларни қуроллар ва услубий қўлланмаларни мунтазам янгилаб борилишини таъминлайди;

хар бир боскичдан олдин ўқув-моддий база ҳолатини кўриқдан ўтказадиган ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли ўқув муассасасига зарур тавсиялар беради.

18. «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасалари:

чақирилувчиларни гуруҳларга тақсимлайди;

ўқув жараёнини ўқув режа ва дастурларига мувофиқ ўтказилишини таъминлайди;

чақирилувчилар онгида юксак ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий сифатлар шаклланишига қаратилган тарбиявий ишларни олиб боради;

Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда амалий машғулотларни ташкил этади;

чақирилувчиларнинг умумқўшин ва жисмоний тайёргарликларининг сифатли олиб борилишини таъминлайди;

харбий-амалий спорт турлари бўйича спорт секциялари фаолиятини ташкил этади;

ётоқхонага жойлаштирилган чақирилувчиларнинг кундалик ҳаёт тарзи устидан доимий назорат олиб борилишини ташкил этади ҳамда машғулотлардан бўш вақтларида улар билан тарбиявий ва оммавий-спорт ишларини ўтказилади;

харбий техника, қурол-аслаҳа ва мол-мулклардан тўғри ва мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг қатъий ҳисоб бўйича сақлайди;

машғулотлар ўтказилишидан олдин чақирилувчиларга хавфсизлик қоидалари бўйича йўл-йўриқлар ўтказилади;

ёнғин ва бошқа нохуш ҳолатларнинг (авария, чақирилувчиларнинг тан жароҳати олишлари) олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўради.

19. Ётоқхонада яшовчи чақирилувчилар билан ҳар куни эрталаб 30 дақиқа бадан-тарбия машғулотлари ўтказилади.

20. Чақирилувчилар билан маънавий-маърифий тадбирлар ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари машғулотлар бошланишидан олдин 30 дақиқа давомида ўтказилади.

21. Марш юриш тайёргарлиги жараёнида йўналишнинг камида 40 фоизи 10 — 12^о қиялик ва кўтарилишлардан, тупроқ йўл, қумли-чўл ва тоғли ҳудудлардан, кечиб ўтиладиган сув хавзаларидан иборат бўлиши лозим.

22. Қуйидаги ҳолларда чақирилувчилар ўқув муассасаси бошлигининг буйруғига асосан ўқишдан четлаштирилади:

ўз хоҳишига кўра ариза билан мурожаат қилганда;

сабабсиз равишда 74 соатдан ортиқ дарс қолдирганда.

23. Чақирилувчининг ўқишдан четлаштириш ҳақидаги буйруқда чақирилувчининг ўқишдан четлаштирилганлиги сабаби ва асослари кўрсатилиши шарт. Мазкур буйруқнинг нусхаси тегишли МИБга юборилади.

24. Ўқув жараёнлари яқунлангач, чақирилувчиларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари далолатнома асосида тегишли ўқув муассасаси бошлиғи томонидан МИБга топширилади.

4-боб. Якуний қоида

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгаши билан келишилган.

**Мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий кенгаши раиси**

Р. НИЯЗОВ

2014 йил 24 март

Ҳарбий-техника мутахассисликлари
бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган
чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____ тумани (шаҳри) мудофаа ишлари
бўлими томонидан _____ да жойлашган
(ўқув муассасаси жойлашган манзил)

_____ га _____ мутахассислиги
(ўқув муассасасининг номи)

бўйича саралаб олинган чақирилувчиларнинг

РЎЙХАТИ

Ўқув жараёни 20__ йил «__»_____ да бошланади ва
20__ й. «__»_____ да тугалланади.

Т/р	Чақирилувчининг Ф.И.О.	Туғилган йили	Маълумоти	Яшаш манзили	Мудофаа ишлари бўлими бошлигининг буйруғи сони ва санаси	Ўқув муассасасига қабул қилинганлиги тўғрисидаги қайдлар

Жами _____ нафар чақирилувчиларни 20 __ йил «__» _____ да
Топширди _____

(Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми)

М.Ў.

Қабул қилди: _____

(ўқув муассасаси бошлиғи, имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми)

М.Ў.

16 (620)-сон

— 33 —

183-модда

Харбий-техника мутахассисликлари
бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган
чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____ -сонли

Чақирилувчи _____ га
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг 20__ йил «__» _____ даги
__-сонли буйруғига асосан, Сиз 20__ йил «__» _____ куни
_____ да жойлашган
(ўқув муассасаси жойлашган манзил)

_____ га
(ўқув муассасасининг номи)

машгулотларга етиб келишингиз сўралади.

_____ туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

(харбий унвони, имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми)

М.Ў.